







# ДЕҲҚОНОБОД ШИФОКОРЛАРИ

## аҳоли соғлиғини сақлашда камарбаста

104 минг аҳоли истиқомат қилаётган туманда эл саломатлигини муҳофаза қилиш борасида талайгина ишлар амалга оширияпти.

Кейинги йилларида «Хўжамаҳмуд», «Қизилча» қишлоқларида қурилиб фойдаланишга топширилган қишлоқ врачлик пунктлари хизматидан тоғли қишлоқ аҳолиси мамнун.

– Туман марказидан анча олисда фаолият кўрсатадиган қишлоқ врачлик пунктлари шифокорлари хизматидан тоғ қишлоқ аҳолиси мамнун бўляпти, - дейди туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Холмирза Жўраев.

Айниқса, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишда туғруқхона бўлими бош шифокори Зебо Болтаеванинг хизматлари катта. Шифокор 30 йилдан буён шу соҳада хизмат қилади. Маҳалла ва жойларда хотин-қизлар ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб бораяпти.

**Суратларда: туғруқхона бош шифокори Зебо Болтаева; ҳамшира Сайёра Саломова; болалар бўлими бош шифокори Ҳусан Норматов; туғруқхона бўлими шифокори Рая Амирхонова.**

**С. ШАВКАТОВ олган суратлар**

*Тарих гувоҳлик беради*

# НАВОИЙНИНГ САВОБЛИ ИШЛАРИ

Кейинчалик Навоийнинг ўзи давлат ишларидан фориғ бўлгач, Абдулла Ансорий қабристонининг жорубкашлигини қабул қилиб олган. Бундан ташқари, Навоий Ҳирот яқинидаги «Жоме» масжидини, Астроболдаги «Жоме» масжидини, Мир Одил, Улуғ ота, Амир Ислом, Исфизор масжидларини, Сарипули Қародаги масжидларни ҳам Навоий ўз улус саломатлиги ва савоби учун ана шу машаққатлардан сира чўчимаган.

Энди ажойиб саховатпеша амир барпо этган соя-салқин, боғ-роғлари ҳақида икки оғиз сўз юритамиз. Султон Ҳусайн Бойқаро салтанатининг бошланиши айёмларидаёқ, Навоий обод қилган «Мурғаний» деб номланган боғ ҳақида Давлатшоҳ огоҳлик билдиради. Бундан кейин Сарипулда- зўр ҳовузлар барпо эттирган. Шубҳасиз, бу сув иншоотларининг Ҳиротда барпо қилиниши чорвачилик ва деҳқончиликнинг ривожига самарали таъсир кўрсатган. Шу ҳавз ва дарёлар, ариқлар устига эса бир неча кўприклар қурдирган.

Бу кўприкларнинг номлари баъзи тарихчиларнинг асарларида санаб ўтилади. Жумладан, Сепулак, Соқи,

маблағи эвазига бино қилдирган. Ҳақиқатлар суянчиғи номини олган улуғ амир ҳазрати Маҳдумийнинг (Жомий) файзли хобгоҳига ҳам муҳташам бир иморат қурдирганки, бу бино ҳозиргача Ҳирот қабристонида кўр бўлиб турибди. Навоийнинг «Аломат» кўчасида барпо қилган бир қўнимгоҳ (работ), Зиёратгоҳдаги ўта зебо хонақоҳ, Амир Абдулвоҳид ибн Мусалламнинг мозори устига қурилган салобатли иморат, ўша даврнинг ягонайи пири ҳисобланаган хожа Абдувалид Аҳмаднинг мозори устига қурилган гумбазлар ҳам шоирнинг куч-қудрати билан юзага келган. Яна Шайх Муҳий сармозори, Лангари (Фаноия) мозори, Ҳавзий Моҳиёндаги қатор иморатлар ҳам Навоийга тегишлидир. Бу ерлар жуда обод бўлиб, ўз даврида тамоми Хуросон халқининг сайилгоҳи, дарвешлар ва фақирлар хобгоҳи бўлган.

Алишер Навоий Абдухолиқ Ғиждувоний ва Аҳмад Яссавийларнинг пири комили ҳисобланган Юсуф Ҳамадоний сармозори устига ҳам чиройли бир иморат солдирган. Хондамирнинг таъкидлашича, Навоий, 1496 йилда Нишопурга бориб, у ерда мангу кўз юмган машойихларни, хусусан, Фаридиддин Атторнинг ҳам қабрини зиёрат қилиб, уни қайта таъмирдан чиқариб, хушманзара маконга айлантирган.

Хайрли бинолар қурувчиси бўлган шоир ўз ҳаёти давомида шаҳарлардан шаҳарларга, давлатлардан давлатларга кўчиб ўтишда дам оладиган қўналғалар (работ) қуришга ғоят катта куч ва маблағ сарфлаб, халқнинг савобини олган. Ўнлаб қурилган работлари орасида баъзиларини санаб кўрсатганимизда ҳам ҳайратланарли ишларни кўрамиз. Тайфур, Дараи занг, Чилдухтарон, Тарноб, Катлиш, Мурғоб, Маричоқ, Дашти Шароҳ, Адраскан, Саҳрои боғанда, Типаи Чавк каби работлар шулар жумласидандир. Бу қўналғалар бари Хуросон ва Афғонистон музофотларида бир-биридан юзлаб километр узоқликда бўлган чўлу саҳро оралиғида қурилган. Бир-биридан узоқ сувсиз чўл ва саҳроларга работ ташкил қилиш, бу ерларга қурилиш ашёларини етказиш ниҳоятда қийин кечганлиги ўз-ўзидан тушунарли. Навоий эл-

ги «Сангкошон» мавзеидаги бунёд этилган Эрам боғи бутун Хуросонда ягона бўлган. Бу боғнинг ихтирочиси ҳам Навоий эди. Экологик тоза, ўртасидан шарқираб тиниқ сув оқиб ўтадиган «Шавқия» деб аталган кичикроқ бир боғ ҳам Навоийнинг саъй-эҳтимоми билан дунё юзини кўрган. Дашти Гозургоҳида барпо этилган обод боғларни ҳам, бу ерга олиб келинган каналлар ҳам шахсан Навоийнинг ташаббуси билан амалга оширилган эди. Бу боғнинг шимолий тарафида «Тахти бобо Сўхта» деган манзилни ободонлаштириш ишига ҳам шоир моддий жиҳатдан мадад ва кўмак берган.

Бу ишлардан ўз даврида ғоят мамнун бўлган Хондамир «Хулосатул ахбор»да Навоийнинг шаънига шундай илиқ тилаклар билдиради: «Тангрининг тўла карамидан умид шулки... жаноб амир Алишер кўп замон ва йиллар ушбу жаннат асар манзилда роҳату фароғатда кун кечирсин, хусуматли ҳаётнинг қайғуларидан ва маккор ҳодисаларнинг ташвишларидан омон бўлсинлар».

Ўша давр шароитида ариқ-зовурлар қаздириш, ҳовузлар, сардобалар, тўғонлар қурилишига эътибор жуда суст бўлган. Мамлакатни сув билан сероб қилиш, унинг об-ҳавосини мусаффолаш, деҳқончиликни ривожлантириш учун ирригация иншоотларини бутлаш ишида Навоий ғоят катта маблағ сарфлаб, давлат хазинасининг асосий тортовини ҳам шу хайрли ишларга қаратди. Бу саъй-ҳаракатни Хондамир «Макоримул аҳлоқ» китобида алоҳида таъкидлаб ёзади. Жумладан, у Ихтиёриддин қалъаси олдида қурилган улкан ҳовузни, Хавзий маҳаллаи Шолбофонни, Сари Пўштдаги ҳовузни, Чеҳлгаз Хожа Калла, Пир кивом ва Қаландарон каби мавзелардаги ҳовузларни бир-бир санаб, шундан мағрурланганлигини яширолмайди. Шоир ҳатто улуғ мозор ва мадрасалар атрофига ҳам ана шундай ҳовузларни барпо этган. Масалан, «Шифоия» мадрасаси ёнидаги ҳавз, Жомий сармозоридаги ҳавз, Парён, Фушанж ҳовузлари шулар жумласидандир. Булардан ташқари, шоир Саҳрои Боғотда бир ҳавз қурган бўлса, Чорраҳа деган жойга иккинчи бир ҳовузни қурдирган. Шунингдек, ўша давр тарихчиларининг ёзишича, у Шоҳоний, Гармобга, Зурабодга, Зиёратгоҳга, Андхудга ва Хоразм йўли устига биттадан

Салмон, Чиҳилдухтарон, Тулки, Тарноб, Қаландарон, Қозбонон, Бойхожа, Ҳайрабод, Журжанон, Нигор, Фушанж, Тил, Нахрий араб, Чакчарон, Турук каби кўприк ва тўғонларнинг ҳар бири Хондамир асарларида бирбир санаб кўрсатилади.

Албатта, бу кўприк ва тўғонларнинг ҳар бири жуда катта қўл меҳнати ва моддият асосида юзага келтирилган. Навоий бу масалада ўзининг қатъий сиёсатини ўтказиб, шоҳ Султон Ҳусайнни ҳам бу ишларга кўндирган. Хусусан, Навоийнинг ўзи отасидан қолган барча шахсий бойликларини элнинг хайрли ишларига сафарбар қилган. Масалан, кишилар саломатлигини ўйлаб бир нечта ҳаммомлар қурдирган. Дараи зангдаги, Шифоия ёнидаги, Зиёратгоҳ мавзеидаги, Тувурчидаги, Тарноб, Панждех, Файзаобод, Саъдободдаги қатор ҳаммомлар Навоий ҳаёт пайтларида қурилиб, ёки таъмирланиб ишлатилган. Охиратни кўрадиган доно кишилар ибрат юзасидан мансаб, бойлик ва дунё ишларига хирс қўймайдилар. Солиҳлар тариқатига эргашиб, охират тадоригини кўрадилар. Навоий ҳам ортиқча молу мулкини хайрэҳсон ишларига сарфлашни мўлжаллади. Шу йўл билан меросхўрлик деган чўталчиликларга ҳам чек қўйди. У холис мулкини, ҳалол бойлигини Оллоҳ йўлига тикиб, мамлакатда мадрасалар, масжидлар, работлар, шифохона, ҳаммомлар, зиёратгоҳлар, кўприклар, ҳовузлар, боғ-роғлар бунёд этишга сарфлади. Буларнинг барига кетган моддий пул бойликларининг ҳисоб-китобига етиш қийин.

Бироқ, Хондамир тахминича, буларга Навоий тахминан 500 минг кепакий-динор сарфлаган. Ўша давр тарихчиси Исори Зорийнинг таъкидлашича, Навоийнинг бир кунлик даромади 18 минг шахруҳийни ташкил этган. Уни кепакий-динорга солиштирилса, Навоийнинг бир кунлик даромади 9 минг тилло пулни ташкил қилган. Бунчалик катта маблағни ўз иниси Дарвешалига ёки яқин қариндош-уруғларига мерос тариқасида қолдиришни ўйламасдан, уни халқ хизматига қўйиши шоирнинг нақадар элпарвар, одампарвар, улуғ инсон эканлигидан далолат беради.

**Маҳмуд НАЗАРОВ,**
**филология фанлари номзоди**

**(Боши ўтган сонда)**

*Оммавийликдан маҳорат сари*

# БИЗ

## Алпомиш ва Барчиной авлодларимиз

«Прогресс» спорт-соғломлаштириш мажмуи Учқудуқ шаҳрида яшовчи жанубий руда бошқармаси ишчи-хизматчилари ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш йўлида самарали хизмат қилмоқда.

Жамоада бугунги кунда 25 нафар мураббий-ўқитувчи спортнинг бокс, самбо, миллий ва эркин кураш, сузиш, волейбол, баскетбол, футбол, бадиий гимнастика, пауэрлифтинг, таэквандо, каратэ, енгил атлетика, стол тенниси, шоҳмот, шашка сингари 16 тури бўйича мунтазам машғулотлар олиб боришмоқда. Машғулотларда 2 минг нафарга яқин киши мунтазам қатнашаётир. Бевосита соғломлаштириш мақсадида ташкил этилган гуруҳларда эса 889 кишининг иштироки таъминланаяпти.

Ўтган йил давомида 138 киши спорт турлари бўйича разряд талабларини бажаришди. Пауэрлифтинг бўйича Алмати шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида Руслан Тўраев фахрийлар ўртасида олтин медални қўлга киритган бўлса, ёшлар ўртасида Павел Бриндин кумуш, Вадим Бинько ва Венера Ражабовалар бронза медали соҳиби бўлишди. Худди шу спорт тури бўйича Канадада бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида фахрийлар ўртасида Л.Матинли олтин, Александр Кузанов эса бронза медалига лойиқ топилди. Самбо кураши бўйича мамлакат кубоги учун ўтказилган курашларда ҳам учқудуқлик спортчилар муваффақиятли иштирок этишди. Шоҳруҳ Шукуров бронза медалига сазовор бўлди.

«Прогресс»дагилар шаҳар аҳолисини спорт-соғломлаштириш тадбирларига кенг жалб қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. Жумладан, биргина ўтган йили турли касб байрамлари муносабати билан марказий руда бошқармаси тармоқлари ўртасида ички спорт мусобақалари ўтказилди. Шу билан бирга футбол, волейбол, самбо кураши бўйича маҳаллалар ўртасида шаҳар биринчилиги бўлиб ўтди. Қўрилаётган тадбирлар самарасини шундан ҳам билиш мумкинки, Навоий тоғ-кон металлургия комбинати кубоги учун мустақиллик куни муносабати билан ўтказилган турнирда Учқудуқ шаҳри спортчилари волейбол, мини футбол, стол тенниси, шоҳмот ва шашка бўйича тўплаган очколари бўйича умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринни эгаллашди. Маданий-оммавий спорт тадбирларида қатнашган 5700 киши «Алпомиш» ва «Барчиной» тестларини муваффақиятли топширди.



«Прогресс» спорт-соғломлаштириш мажмуи ҳар йили ёз ойларида мактаб ўқувчиларининг энг севимли масканига айланади. Масалан, ўтган йили бу ердаги спорт базасида 3 та кундузги соғломлаштириш оромгоҳи ташкил этилди ва унда 1540 нафар бола мириқиб ҳордиқ чиқарди. «Эрстон» оромгоҳида ташкил этилган спорт секцияларида ўқувчилар ўз севимли спорт машғулотларини давом эттирдилар.

**Ялғош САРИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**



# КИМ ОШДИ САВДОЛАРИ АГЕНТЛИГИ ВА РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

**2004 йил 12,19,26 феврал кунлари соат 11.00 да Республика Биржа маркази биносида такроран ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:**

1. "ДЭУ-супер салон" русумли, давлат рақами 10 UZ 232, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—10295, 0 минг сўм.**
2. "ДЭУ-супер салон" русумли, давлат рақами 10 UZ 231, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—10295, 0 минг сўм.**
3. "ДЭУ-супер салон" русумли, давлат рақами 10 UZ 225, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—10295, 0 минг сўм.**
4. "ДЭУ-супер салон" русумли, давлат рақами 10 UZ 251, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—10295, 0 минг сўм.**
5. "ДЭУ-супер салон" русумли, давлат рақами 10 UZ 136, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—11582, 0 минг сўм.**
6. "ДЭУ-супер салон" русумли, давлат рақами 10 UZ 229, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—11582, 0 минг сўм.**
7. "ДЭУ-супер салон" русумли, давлат рақами 10 UZ 016, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—10295, 0 минг сўм.**
8. "ДЭУ-супер салон" русумли, давлат рақами 10 UZ 224, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—9008, 0 минг сўм.**
9. "ДЭУ-супер салон" русумли, давлат рақами 10 PA 212, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—12869, 0 минг сўм.**
10. "ДЭУ-супер салон" русумли, давлат рақами 10 PA 211, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—9008, 0 минг сўм.**
11. "ДЭУ-супер салон" русумли, давлат рақами 10 PA 207, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—10295, 0 минг сўм.**
12. "ДЭУ-супер салон" русумли, давлат рақами 10 PA 210, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—9008, 0 минг сўм.**
13. "ДЭУ-супер салон" русумли, давлат рақами 10 UZ 255, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—9008, 0 минг сўм.**
14. "ДЭУ-супер салон" русумли, давлат рақами 10 PA 280, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—10295, 0 минг сўм.**
15. "ДЭУ-супер салон" русумли, давлат рақами 10 UZ 176, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—11582, 0 минг сўм.**
16. "Опель Омега" русумли, давлат рақами 10 PA 208, 1999 йил. **Бошланғич баҳоси—21881, 0 минг сўм.**
17. "ДЭУ-Эсперо" русумли, давлат рақами 10 UZ 158, 1992 йил. **Бошланғич баҳоси—11363, 0 минг сўм.**
18. "ДЭУ-супер салон" русумли, давлат рақами 10 PA 216, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—11582, 0 минг сўм.**
19. "ДЭУ-супер салон" русумли, давлат рақами 10 PA 217, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—9008, 0 минг сўм.**
20. "ДЭУ-супер салон" русумли, давлат рақами 10 PA 224, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—10295, 0 минг сўм.**
21. "ДЭУ-супер салон" русумли, давлат рақами 10 PA 229, 1998 йил. **Бошланғич баҳоси—14156, 0 минг сўм.**
22. "ДЭУ-супер салон" русумли, давлат рақами 10 PA 332, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—11582, 0 минг сўм.**
23. "ДЭУ-супер салон" русумли, давлат рақами 10 UZ 312, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—12869, 0 минг сўм.**
24. "ДЭУ-супер салон" русумли, давлат рақами 10 UZ 319, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—14156, 0 минг сўм.**
25. "ДЭУ-супер салон" русумли, давлат рақами 10 PA 248, 1996 йил. **Бошланғич баҳоси—12869, 0 минг сўм.**
26. "Опель Омега" русумли, давлат рақами 10 UZ 574, 2000 йил. **Бошланғич баҳоси—22672, 0 минг сўм.**

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**
**Имкониятингизни бой берманг!**

Савдода қатнашиш учун харидорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи микдорида закалат пули тўлаши шарт.

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади

Ушбу автотранспорт воситаларига қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз Республика Кўчмас мулк биржаси ва «Ким ошди савдолари агентлиги"га мурожаат қилишлари мумкин.

***Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10 уй, Республика Биржалар маркази биноси, 3 қават, 8 хона. Маълумот учун телефонлар: 136 28 75, 133 25 21. Факс: 136 06 17 www. rkmb. expo. uz***



*Савдо-кўргазма*

# СОТУВНИНГ 10 ФОИЗИ «Меҳрибонлик уйлари»га

***Тошкентдаги Қирғизистон элчихонасида "Ўзбек рассомлари Қирғизистон ҳақида" номли савдо-кўргазмаси очилди. Ўзига хос ким ошди савдоси Ўзбекистонда аккредитация қилинган элчилар ҳамда пойтахт жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди.***

-Мазкур кўргазма Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 2004 йилни "Меҳр ва мурувват йили" деб аталиши муносабати билан ташкил этилди,- деди Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси Улуғбек Чиналиев кўргазманинг очилиш маросимида. - Шундай эзгу мақсадга қаратилган қатор тадбирлар ўтказишни давом эттириш ниятидамиз Мусаввирлар асарлари сотувидан тушган маблағнинг 10 фоизи элчихона томонидан меҳрибонлик уйлари учун "Сен ёлғиз эмассан" жамғармасига ўтказилади.

Элчининг таъкидлашича, Марат Содиқов, Валерий Енин, Ирина Шин каби ижодкорларнинг асарларида тасвирланган Қирғизистоннинг ажойиб ва бетакрор табиати, гўзал, пурвиқор тоғларини томоша қилган киши қалбида туганмас завқу-шавқ ҳисларини туяди. Бундан-буён элчихонада шу каби кўргазмаларни ўтказиш анъана тусига киради.

-Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасида дипломатия муносабатларини ташкил этиш ва Тошкентда Қирғизистон элчихонасини очиш борасида шартнома имзоланганига 11 йил тўлиши мазкур кўргазманинг ташкил этилшига яна бир туртки бўлди,-деб таъкидлади элчи. Шартнома 1993 йилнинг 16 февралида имзоланган эди. Ўтган давр мобайнида ҳар икки мамалакат ўртасида иқтисодий, маданий-инсонпарварлик соҳасида юздан зиёд давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро шартнома ҳамда битимлар имзоланди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон халқларининг аҳил ва бироварликда яшаш истаги икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг янада ривожланишига катта ҳисса қўшади

**Е. ХЛОПОВСКИХ,**
***"Туркистон-пресс"***


Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги Алишер Навоий номли Республика «Нафис» санъат лицейи томонидан 1994 йилда Раҳмонов Шуҳратжон номига берилган А - 434006 рақамли 11-синфни битирганлик тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади**



ISHONCH

**МУАССИС:**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс КАЮМОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.00

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

***«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.***

Тиражи: 20242 Буюртма Г— 217 1 3456